



Роман IV Диоген (юнонча Ρωμανός Δ΄ Διογένης) - 1067-1071 йилларда Византия императори, Диогенлар авлодидан; Роман III Аргир даврида халок бўлган Константин Диогеннинг ўгли.

Илк йиллари

Келиб чиқиши Каппадокиядан; миллати армани. Армия ва шарк фемаларида Роман IV энг аввало, арман саркардаларга таянган. Император Константин Дук даврида Юрак хукмдори этиб тайинланган.

Харбий-ватанпарварлик партияси аъзоси бўлиб, Роман мархум шохнинг укаси, кесарь Иоанн Дука ва Пселл бошчилигидаги сарой-бюрократия партиясига нафрат билан муносабатда бўлган. Тахтга эришиш учун фитнада фош килинган Роман кўлга олиниб пойтахтга келтирилган, бу ерда бева малика Евдокия, сўрок пайти унинг бакувват жуссаси ва салобатли коматидан мафтун бўлди. Роман авф килинди ва тез орада магистр ва стратилат унвонини олган.

Тахтга ўтириши

Дуканинг учта ўгли, Михаил, Андроник ва Константин билан бирга тахтни мерос килиб олган Евдокия тез орада ички ва ташки низолардан заифлашган давлатга факат кучли жангчининг кўли ёрдам бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилган ва у такроран турмушга чиқишга қарор қилган, гарчи Скилицийнинг ривоятига кўра, бошқа турмуш қурмасликка ваъда берган бўлсада. Ўз нуфузи ва таъсиридан ҳавотирда бўлган сарой аъёнлари беванинг берган ваъдасига риоя қилишини рашк билан қузатиб борган, лекин ватанпарварлар Романни тахтга номзод сифатида кўз остига олиб қўйганлар. 1067 йил 31 декабрда Роман яширин равишда саройга олиб қирилади ва унинг рақиблари бу ҳолатни тан олишга мажбур бўлади.

Роман билан расман тузилган шартнома шартларига кўра, у билан бирга Дуканинг ўғиллари ҳам шох мақомига эга бўлган. Сарой партияси янги шохни, жасур ва мард, лекин у қадар зийрак бўлмаган ва осонгина қизиқиб кетадиган бу шахсни қўргани қўзи йўқ эди. Унинг фитналари ҳатто армияга, олий мансабли офицерлар орасига ҳам қириб борди. Роман давлатга танҳо ҳокимлик қилиш мақсадида Евдокия ва Дуканинг ўғилларини ағдариш ниятида деган миш-мишлар тарқалди.

Роман IV Диогеннинг салжукийларга қарши юришлари

Македония сулоласининг буюқ шохлари қаби, у ҳам Осиё фемаларини шафқатсизларча ҳаробазорга айлантирган салжукийларга қарши юришга шахсан боришга қарор қилади. Бироқ, аввалги ҳукмдорларнинг ноўрин ҳасисликлари ва қобилятсизлиги армия сафини қисқартирди ва унда жанговар руҳнинг йўқолишига олиб келди; барча саъй-ҳаракатлари билан Роман факат интизомсиз ва биргаликда ҳаракат қилишга қўникмаган маҳаллий ва ёлланма аскарларни тўплаши мумкин эди. Шунга қарамай, 1068 ва 1069 йиллардаги юришлар жуда муваффақиятли бўлди.

Роберт Гвиссар Отрантони забт этган ва юнон ҳукмронлигининг сўнгги таянчи бўлган Барини қамал қилган Италиядан келган ноҳуш хабарлар Романни бир мунча вақтга Европага қайтишга мажбур қилди. Унинг йўқлигида турклар армияни бошқариб турган Мануил Комнинни мағлубиятга учратиб, Хонани талон-тарож қилдилар, Алп-Арслон эса ўзи Шаркий Арманистоннинг энг муҳим чегара қалъаси - Манцикертни эгаллаб олди. 100 минг кишилиқ қўшинни бошқарган Роман яна Манцикертни эгаллади.

Алп-Арслон таклиф қилган сулҳни шох рад қилди; шунда ўша шаҳар яқинида бўлиб ўтган асосий жангда Андроник Дука ва айрим офицерларнинг хиёнати византияликлар армиясини ҳалок қилди; шохнинг ўзи асир олинди, лекин бир ҳафтадан кейин асирдаги салжукийларни озод қилиш ва миллион олтин тўлаш шартида Алп-Арслон томонидан қўйиб юборилди(1071).

Романнинг мағлубияти ҳақида хабар олгач, уни ҳалок бўлди деб ўйлаган сарой аъёнлари Евдокия ва қатта шахзода, Пселлнинг шогирди Михаил Дуканинг регентлигини эълон

килдилар; лекин аслида давлатни Романнинг ашаддий душмани, кесарь Иоанн бошкарди. Романнинг тез орада пойтахтга етиб келиши хакида ўз кўли билан ёзган хатини олгач, хавотирга тушган мухолифат маликадан эрини тахтдан махрум этилган деб эълон қилишни талаб қилди; маликанинг ўжарлиги унинг саройдан ҳайдалиши ва монастирга монахияликни қабул қилишига олиб келди, Михаил (Парапинак) эса император деб эълон қилинди. Константинополдан жўнатилган кўшинлар билан бир неча марта рўй берган омадсиз тўқнашувлардан кейин Роман Киликиядаги Адан шаҳрида яширинди, бу ерда уни 1072 йил Андроник Дука камал қилди ва тахтдан воз кечиш ва монахликни қабул қилиш шартда таслим бўлишга мажбур қилди. Бунинг учун унга Михаил номидан учта митрополит томонидан тасдиқланган шахсий хавфсизлик ваъда қилинди. Романнинг душманлари ўз сўзида турмади - у Котийеда кўзлари кўр қилинди ва тез орада етказилган жароҳатлардан ҳалок бўлди. Манцикертдаги мағлубият ва, айниқса, 1071-1072 йилларда Диогеннинг Дукалар билан кураши Византия қуроли кучларини тартиб-интизомнинг тўлиқ бузилишига олиб келди. Айниқса, бу воқеа-ҳодисалар давомида амалда харобазорга айлантирилган шарк феъмалари контингентлари азият чекди. Қайд этиш мумкинки, 1072 йил ёзига келиб, византияликлар армияси ягона уюшган куч сифатида мавжуд бўлмай қўйди ва унга яқуний зарбани ички низолар эмас, ташқаридан душман берди.

Абу Муслим таржимаси